

Scientific Journal of SCIENTIFIC PROGRESS

ISSN: 2181-1601

ACCEPTANCE AREAS OF THE JOURNAL

- mathematics, physics, informatics;
- chemistry, ecology, geography;
- advances in biology and medicine;
- history, law, aesthetics;
- philology and language teaching;
- physical education and sports;
- music, art and culture;
- philosophy, logic and sociology;
- technical sciences, architecture and economic;
- pedagogy, psychology, defectology



2022/II

VOLUME #3
ISSUE #2

www.scientificprogress.uz



SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME #3, ISSUE #2, FEBRUARY 2022

ISSN: 2181-1601



UZBEKISTAN

EDITOR-IN-CHIEF
UMID KHODJAMKULOV

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

EDITORIAL BOARD

BORIS BEGLOV

Academic, Doctor of Technical Sciences, Professor
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

SHAFUAT NAMAZOV

Academic, Doctor of Chemical Sciences, Professor
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

NASIR GANIKHODJAEV

Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
International Islamic University Malaysia

GULJIHAN NURISHEVA

Doctor of Philosophy, Professor
National University of Kazakhstan named after Al Farabi

IBROHIM HAKKULOV

Doctor of Philological Sciences, Professor
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

KHAYATULLA ISAKOV

Doctor of Technical Sciences, Professor
Andijan State University

RAKHMON FARMONOV

Doctor of Historical Sciences, Professor
University of World Economy and Diplomacy

RAKHMATULLA BEKMIRZAEV

Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

MAKSUD ASADOV

Doctor of Philological Sciences, Senior Research Fellow
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

GULCHEHRA GAFFAROVA

Doctor of Philosophy, Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

SHAKHLO BOTIROVA

Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

KULDOSH PARDAEV

Doctor of Philological Sciences, Associate Professor
University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

KHUDARGAN MAVLONOV

Doctor of Biological Sciences, Associate Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

DILNAVOZ YUSUPOVA

Doctor of Philological Sciences, Associate Professor
University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

SHOIRA DONIYAROVA

Doctor of Philology, Associate Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

MARAT SULTONOV

Doctor of Chemical Sciences, Associate Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

SAYFULLA BOBOEV

Doctor of Biological Sciences, Associate Professor
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ATANAZAR SEYTNAZAROV

Doctor of Technical Sciences, Associate Professor
Academy of Sciences of Uzbekistan

MIRZOALI KHUDOYBERGANOV

Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ZUKHRA YAKHSHEVA

Doctor of Chemical Sciences, Associate Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

OYBEK HAYTTOV

Doctor of Psychological Sciences, Associate Professor
Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

SHUKHRATKHON IMYAMINOVA

Candidate of Philological Sciences, Professor
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABDISHUKUR SHOFKOROV

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

MUKADDAS ABDURAKHMANOVA

Candidate of philological sciences, Associate Professor
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

BERDIYOR SAPAROV

Doctor of Philosophy in Philosophy, Associate Professor
Chirchik Higher School of Tank Command-Engineering

OTABEK NASIROV

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

EDITORIAL BOARD

HABIBULLA AHADKULOV

Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor
Northern University of Malaysia

ADIBA DAVLATOVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

KULASH TULENTAEVA

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
National University of Kazakhstan named after Al Farabi

MAVLUDA RAKHIMSHIKOVA

Candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor
University of South Kazakhstan named after Mukhtar Auevov

SURAYYO ESHONKULOVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

SHOIRA ABDUJALILOVA

Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

SIRDARYAKHON UTANOVA

Candidate of Philological Sciences, Senior Research Fellow
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

OLIM ESHONOV

Candidate of Medical Sciences, Associate Professor
Bukhara State Medical Institute

NODIRA KHOLIKOVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ULUGBEK MINGBOEV

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor
Jizzakh regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Educators

BAKHODIR MUMINOV

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor
Tashkent State Agrarian University

NODIRA SOATOVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

SHOHISTA SAMAROVA

Candidate of Psychological Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

JUMMAGUL ABDURAKHMONOVA

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

SOFIYA DJUMAEVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Tashkent Regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Educators

NILUFAR JURAEVA

Candidate of Technical Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

NAVBAHOR UMAROVA

Doctor of Philosophy in Psychology, Associate Professor
Uzbek State University of Physical Culture and Sports

MAVJUDA TILAKOVA

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor
Jizzakh Regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Educators

FURKAT RAJABOV

Doctor of Philosophy in Geography, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ILHOMJON ASLANOV

Doctor of Philosophy in Geography, Associate Professor
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Engineers

SAMARIDDIN KORAEV

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

MARINA KOSBERGENOVA

Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

MASHKHURAKHON DARMONOVA

Doctor of Philosophy in History, Senior Research Fellow
Academy of Sciences of Uzbekistan

SULAYMON HAYDAROV

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor
University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

DILFUZA AKABIRKHODJAEVA

Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor
University of World Economy and Diplomacy

БУХОРО НИКОҲ ТҶИИ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ИЖРО БОСҚИЧЛАРИ ВА КЎП ВАЗИФАЛИЛИГИ

Гавҳар Яхшибоевна Шербекова

Бухоро давлат университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Бухоро никоҳ тўйи фольклори ўзига хос яхлит бадний тизимни ташкил этади. Никоҳ тўйи қўшиқлари маълум ижро босқичига ва ўз ижрочиларига эга. Улар тўй маросимининг турли босқичларида турлича ижро қилинади ва маълум ҳаёт воқелигини ўзида бадний акс эттиради. Ушбу мақолада Бухоро никоҳ тўйи қўшиқларининг ижро босқичлари ва вазифалари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: жанр, образ, локал хусусиятлар, тўплаш, ўрганиш, никоҳ тўйи маросими, этнофольклористика, мифологик дунёкараш.

Кириш. Никоҳ тўйи маросими қўшиқларининг жанрий табиати – унинг асосида ётувчи ҳаётий сабаб: икки ёшни қовуштириш туфайли юзага келган табиий-руҳий эҳтиёж билан белгиланади.

Инсон учун жудолик оғир айрилик, туганмас қайғудир. Бу қайғу кишини ниҳоятда ларзага солади. Жудолик алами, чексиз ғам йиғини туғдиради. Бу йиғи эса биологик, ижтимоий-этнографик эҳтиёж туфайли тугилади.

Қалбда айрилик дардини сезиб, ич-ичидан ўртаниш, узатилаётган қиз тақдирига ачиниш, қайғуриш, унинг ночорлигини тушуниш ўз ифодасини топади. Бу фожиавий воқеликка эстетик муносабат билдириш, уни чуқур ҳис этиб, эстетик ва ахлокий жиҳатдан баҳолаш юз беради.

Қадимги инсонлар йиғида сеҳр-жоду бор, у сирли сув сифатида марҳумга ҳаёт бахш этади, уни қайта тирилтиради деб ўйлаганлар. Таникли фольклоршунос К. Имомов йиғи магияси ҳақида тўхталар экан, унинг жон бахш ётувчи вазифасини эртақлар мисолида талқин этишга уринади. Олимнинг фикрича, ибтидоий инсонларнинг ўлимдан сўнг қайта тирилишга, тирилган мурдага, йиғининг таъсир кучига ишончи халқ эртақларида йиғидан тирилиш мотивининг пайдо бўлишига асос бўлган.¹

Йиғи ёр-ёрлари ижро этганда, одатда, тингловчиларда турли ҳолатлар: баданда жимирлаш, ҳаяжон, қўркув, ачиниш, қайғуриш, хўрсиниш юз беради.

Йиғининг инсон қалбини ғамдан тозалашни унинг **катарсис** вазифасини намоён этади..

Ҳаётий эҳтиёж туфайли яратилиб, ўзида ижтимоий воқеликни бадний акс эттирувчи, ижтимоий моҳият касб этиб, кишиларнинг турмуш тарзида муҳим

¹ Имомов К. Йиғи магияси // ЎТА.- 2001.- №2.- Б. 60-62.

ўрин эгаллаган никоҳ тўйи маросими кўшиқларининг *социал-ижтимоий* вазифасини ҳам алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Чунки улар маълум ижтимоий жараён – тўй маросимининг вербал қисмини ташкил этади.

Ҳали ўн гулидан бир гули очилмай, эрта хазон бўлган қизларга чимилдик кўриб кетсин, армонда кетмасин деган ниятда келинлик либоси кийдириб, чимилдик тutilган, саллабандон қилинган. Йигитларга куёвлик чопони ёпинтирилган. Туғмаган аёлларнинг ёнига кўғирчоқ кўшиб кўмилган. Бу каби одатларда халқнинг марҳумларга нисбатан эпик ва этик муносабати намоён бўлади. Табиийки, бу муносабатлар йиғи ва йўқлов матнларида ҳам ўз бадий ифодасини топган. Улар орқали йиғи ва йўқловларнинг *ритуал-этик* ёки *ритуал-ахлоқий* вазифаси кўзга ташланади.

Узатилаётган киз учун қанчалик кўп овоз солиш эл орасида унинг иззати деб тушунилган.

Никоҳ тўйи жараёнида турли тўй кўшиқларини куйлаш халқ орасида ўзига хос одат тусига кириб ахлоқий тамойилга айланган, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб яшаб келаётган ҳамда ўз бағрида унга алоқадор турли урф-одатларни, ирим-сиримларни сақлаб қолганлиги учун *этнографик* вазифага ҳам эга. Уларни ижро этиш миллий одатимиздир.

Қизнинг йиғиси унинг одоб-ахлоқидан дарак берса, киз эгаларининг йиғиси ўз жигаргўшаларига қанчалик жонкуярлигини кўрсатади. Қизнинг узатишдан олдин йиғламаслиги одобсизлик, яқинларига ҳурматсизлик сифатида баҳоланиб, айбга буюрилади. Бағритошлик, меҳрсизликда, шафқатсизликда қораланади.

Йиғи узатилаётган киз билан унинг яқинларини бирлаштириб, улар ўртасида руҳий-ҳиссий алоқа ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Бу унинг *коммуникатив (алоқа боғлаш)* вазифасидан келиб чиқади.

Шу билан бирга йиғилар воситасида маросим иштирокчиларининг руҳий аҳволига ҳамда юз бераётган ҳаётини воқеликка ҳам баҳо берилади. Бундан уларнинг *руҳий-психологик* вазифага эга эканлиги маълум бўлади.

Ёр-ёрларда бошга тушган жудолик алами маълум образлар воситасида, бадий-тасвир воситалари ёрдамида, бадий тил билан ифода этилади. Бу уларнинг *бадий-эстетик* вазифаси ҳисобланади.

Халқ ҳаёти, турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлган, ўз бағрида миллат тарихи, дунёкараши, урф-одат ва эътиқодий қарашларини сақлаб келаётган тўй кўшиқлари маънавий қадрият сифатида таълимий-тарбиявий аҳамият, этнопедагогик моҳият ҳам касб этади. Шуниси билан улар *этнопедагогик* вазифасида намоён бўлади.

Умуман олганда, тўй кўшиқлари руҳий-физиологик ҳодиса сифатида ритуал-магик, ҳимоялаш, социал-ижтимоий, ритуал-ахлоқий, этнографик,

этнопедагогик, коммуникатив (алоқа боғлаш), катарсис, бадий-эстетик, рухий-психологик вазифаларни адо этади.

Тадкикотнинг биринчи бобида кўриб чиқилган масалалар юзасидан билдирилган илмий-назарий мулоҳазаларимизни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Бухоро никоҳ тўйи фольклори ўзига хос яхлит бадий тизимни ташкил этади. Тўпланган материалларга асосланиб, унинг жанрий таркиби бойлигини таъкидлаш мумкин. ...каби бу жанрлар бевосита Бухоро никоҳ тўйи маросимига алоқадорлиги, унга боғлиқ тарзда пайдо бўлиб, ғоявий-бадий нуқтаи назардан тараккий топганлиги, ўзига хос ижро ўрни, пайти, мақсадига, усулига, оҳангига, вазифасига эгаллиги билан алоҳида эътиборни тортади.

2. Бухоро никоҳ тўйи кўшиқлари маълум ижро босқичига ва ўз ижрочиларига эга. Улар тўй маросимининг турли босқичларида турлича ижро қилинади ва маълум ҳаёт воқелигини ўзида бадий акс эттиради.

3. Бухоро никоҳ тўйи кўшиқлари кўп вазифалилик касб этади. Улар узатилаётган қизни кузатиш, ҳимоялаш, катарсис, ижтимоий, ритуал- ахлоқий, этнографик, коммуникатив (алоқа боғлаш), рухий (психологик), бадий-эстетик, этнопедагогик вазифаларида намоён бўлади.

Бухоро никоҳ тўйи кўшиқларининг яратилиши ва қуйланиши жуда қадимий даврларга бориб тақалса-да, ундаги “никоҳ” сўзи бу хил кўшиқларнинг ислом дини асосида келиб чиққан никоҳ жараёни билан генетик боғланишини англатиб туради.

Аслида бундай кўшиқлар мифопоэтик тафаккур маҳсули бўлиб, миф-маросим-фольклор босқичида шаклланган.

Тўй кўшиқлари халқ шеърятининг тўй, никоҳ, оила муносабатларини қарор топтириш воқелиklarини рухий-ҳиссий кечинмалар асосида ифода этиш эҳтиёжидан келиб чиққан. Барча даврларда одамлар руҳлар оламига ишониб, руҳларга сиғиниб келганлар. Руҳлар оламига ўтиш мумкин деб караганлар.

Ўрхун-Энасой ёдгорликларида ҳам тўй, қиз олиш ва бериш воқелиқлари қайди мавжуд.

Х асрнинг йирик муаррихи Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида Афросиёб Сиёвуш ибн Кайковуснинг қайнотаси экани айтилади.²

Тўй фольклорини чуқурроқ ўрганиш, уларнинг генетик асосларига назар ташлаш орқали аждодларимизнинг исломгача ва исломдан сўнг оила қуриш масалалари борасидаги қарашларини билиб олиш имконини беради. Чунки уларда шундай мотивлар учрайдики, бевосита этнографик субстратларнинг ёки

² Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. -Т.: «Шарқ машъали» журнаliga илова. Шарқ баёзи, 1993.- 23-24-б.

мифологик тасаввурларнинг бадий моделга айланган шакллари ҳисобланади. Д.Ўраева айтганидек, уларни ўрганиш натижасида қачонлардир истеъмолда бўлган, лекин ҳозирги кунда батамом унутилиб кетган ёки кетаётган маросимлар ҳақидаги маълумотлар қайта тикланади. Шу билан бирга ҳозирда ўтказиладиган мотам маросимларининг қандай ва нима учун келиб чиққанлиги аниқланиб, уларни ўтказишда йўл қўйилаётган камчиликлар белгилаб олинади.

Никоҳ тўйи ижтимоий ҳаётнинг муайян томонини ўзида ифода этишга хосланган. У узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтган.

Тўй маросими оилавий-маиший маросимларнинг катта, оммавий, ижтимоий-ҳаётий бир тури бўлиб, ўзига хос удумлари, табиати, вазифаси, фольклори жиҳатидан алоҳидалик касб этади. У орқали инсонларнинг анимистик тасаввурлари, руҳнинг барҳаётлигига ишонч туйғуси ёрқин акс этади. Шунинг учун бу маросим ҳаминша махсус имитация асосида (саҳна кўриниши сифатида) ўтказилади. Унда муайян ҳаёт воқелиги: инсоннинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиши санъат қонунлари асосида саҳналаштирилади.

Бошқа маросимлар каби никоҳ маросими ҳам азалдан ўзига хос қатъий тартиб-қоидалари, урф-одатлари, ирим-сиримларига эга. У бевосита ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари, ирим-сиримлари, диний эътиқоди, фольклор айтимлари асосида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Никоҳ тўйи фольклори икки асосий манба замирида шаклланган: биринчиси – ибтидоий инсонларнинг ўзга олам, руҳий дунё билан боғлиқ турли мифологик тасаввур-тушунчалари, ишонч-эътиқодлари асосида. Иккинчиси – шу мифологик тасаввур-тушунчалар ва қадимий ишонч- эътиқодлар асосида шаклланган халқ удумлари асосида.

Дарҳақиқат, тўй қўшиқлари тўй маросимига алоқадор турли расм-русумлар, ички маросимларга мазмунан мувофиқ равишда яратилган ва ижро қилиниб келган.

Жумладан, Бухоро никоҳ тўйи қўшиқлари вилоятнинг турли туман ва қишлоқларида ҳар хил расм-русумларга бойлиги туфайли улар мазмунига мувофиқ келадиган ранг-баранг жанрдаги қўшиқлар билан ташкил қилинади.

Бизнингча, Бухоро никоҳ тўйи маросими жуда кўп расм-русумлардан, ички маросимлардан ташкил топганлиги боис, уни яхлитлаштириб ўрганиш мақсадида олти босқичга бўлиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич – овчилик ва совчилик.

Иккинчи босқич – унаштириш ва фотиҳа, қалин қийиш.

Учинчи босқич – тўй, никоҳ.

Тўртинчи босқич – келинни кутиб олиш, чимилдиққа киритиш.

Бешинчи босқич – юз очди, келин салом.

Олтинчи босқич – жой йиғди, бош ювди, чарлар.

Тўй бошланишидан олдин, аввало, узоқ-яқин қариндошларга хабар қилинади. Қўшнилари билдирилади.

Қиз учун оқ либосдан худди кафан мисол кийим ҳозирланади. Кетар чоғида қиз ювинади. Унинг ювинишида янга кўмаклашади. Бу билан унинг худди ўлик мисол икки олам орасида турганига ишора қилинади. Қўл ва оёқ тирноқлари олинади. Тана соч ва туклардан тозаланади.

Тўй бўлаётган қизни ювинтириш маросимининг келиб чиқишига ибтидоий инсонларнинг сувни икки оламини бирлаштириб турувчи магия восита деб қарашлари ҳамда «оби ҳаёт», яъни «тириклик суви» ҳақидаги мифологик тасаввурлари асос бўлган. Бунда қизнинг ювиниши унинг қайта тирилиши учун зарур, деб қаралган.

Ибтидоий инсонлар тасаввурига кўра, сув йўли орқали ўзга дунёга кириб бориш мумкин. Сув у дунё билан бу дунёни туташтирувчи йўл, уларни бири-бирдан ажратиб турувчи чегара деган тушунчалар бўлган³. Буни Фарғонадан топилган қайиқ ёки сол кўринишини эслатувчи қадимги тобутлар ҳам тасдиқлайди.⁴

Мангу тириклик суви ва уни ер ости ёки сув ости салтанатидан излаб топиш ҳақидаги мифологик мотивлар ўзбек халқ афсоналари сюжетида алоҳида ўрин тутди⁵.

Қаҳрамоннинг оби ҳаёт сувини ахтариб ер ости ёки сув ости дунёсига сафар қилиши ҳақидаги афсоналар, оби ҳаётнинг ўликлар оламида мавжуд бўлиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар IV-III асрларда Юнон-Бактрия маданиятининг шаклланиши жараёнида Ўрта Осиё халқлари фольклорига кириб келган⁶.

Шумерлар фольклорига оид мифлардан бирида ҳикоя қилинишича, танасига ҳаёт суви сепилгандан кейин тирилган Иштар ер юзига қайтиб келади.⁷

Хулоса. Хуллас, мифларга хос «жонсиз танага тириклик сувини сепиш орқали унга яна қайта ҳаёт бахш этиш» мотиви халқ маросимларига кўчиб ўтиб, қизларни турмушга узатишдан олдин ювинтириш орқали поклаш ва шу йўл билан уларга абадий ҳаёт инъом этиш эътиқодининг келиб чиқишига таъсир кўрсатган.

REFERENCES

1. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. - Т.: Ўз ФА нашриёти, 1959.
2. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. - Т.: Фан, 1974. - 140-151-бетлар.

³ Басилов В.Н. Следы культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агиологии // Фольклор и историческая этнография. - М., 1983. - С.135.

⁴ Литвинский Б.А. Курганы и курумы западной Ферганы. - М., 1972. - С.117.

⁵ Носируддин Бурхонуддин Рабгузий. Қисаси Рабгузий. 2-жилд. - Т., 1990. - 94-95-б.

⁶ Раҳмонова М. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2003. - 46-50-б.

⁷ Хук С.Г. Мифология Ближнего Востока. - М., 1991. - С.32.

3. Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. - 5-сон. – Б. 29-33.
4. Ғафуров Ғ. Удумларда-халқ қалби. - Т.: Ёш гвардия, 1986.
5. Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, 102-бет.
6. Yakhshibaevna S. G. Artistic Expression of Bukhara Wedding Customs in Ceremonial Songs //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 141-145.
7. Yakhshibaevna S. G. Some Features of the Language of Bukhara Wedding Songs //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 146-151.
8. Sherbekova G. ARTISTIC REFLECTION OF THE REGIONAL FLORA FAUNA IN BUKHARA WEDDING SONGS //НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ИННОВАЦИИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ. – 2021. – С. 127-129.
9. Yakhshibaevna S. G. Composition of Genres of Bukhara Wedding Folklore //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2021. – Т. 12. – С. 447-452.
10. Шербекова Г. Я., Бафоева Н. А., Нурова Ю. У. Особенности узбекской литературы XVII-XIX веков //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 2-2 (80).
11. Bahronovna R. G. Epic Interpretations of the Image of Trees in Uzbek Folk Tales //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2021. – Т. 12. – С. 330-334.
12. Golibovna S. S. The Image of "DOPPI" in Uzbek Folk Songs Regional Species //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2021. – Т. 12. – С. 229-235.
13. Uraeva D. S., Khakharova I. S., Khakhorova G. S. Meaning of emotional words in the formation of expressions in English and Uzbek languages //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 3. – №. 2. – С. 54-62.
14. Urayeva D., Nazarova G. COMPARATIVE ANALYSIS OF MYTHOLOGICAL NAMES AND MYTHOLOGISMS IN THE ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //Philology Matters. – 2021. – Т. 2021. – №. 1. – С. 3-21.

Гавҳар Яхшибоевна Шербекова

Бухоро никоҳ тўйи кўшиқларининг тўпланиши ва ўрганилишига доир баъзи мулоҳазалар (pp. 251-256)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20039.%20251-256.pdf>

Гавҳар Яхшибоевна Шербекова

Бухоро никоҳ тўйи кўшиқларининг ижро босқичлари ва кўп вазифалилиги (pp. 257-262)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20040.%20257-262.pdf>

Dilnoza Abduvaxobova

O'quvchilarga ingliz tilini o'qitishda innovatsion texnologiyalar va interaktiv metodlarning ahamiyati (pp. 263-266)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20041.%20263-266.pdf>

Nurjalil Rasuljon o'g'li Aliev

Ta'lim xizmatlari marketingining o'ziga xos xususiyatlar (pp. 267-272)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20042.%20267-272.pdf>

Нозима Одил кизи Қурбонова

Талабаларга Янги Ўзбекистон “Тараққиёти стратегияси”ни тарғибот қилиш ҳамда кредит-модул тизимини таълимда жорий этиш (pp. 273-277)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20043.%20273-277.pdf>

Marifat Kazakova

Vuxorolik qahramon ayollar ibрати (pp. 278-281)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20044.%20278-281.pdf>

Javohir Zafarzoda Azimqulov

Jaloliddin Manguberdi davrida Xorazmshohlar davlatining Saljuqiylar davlati bilan elchilik aloqalari (pp. 282-285)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20045.%20282-285.pdf>

Абдувахоб Марифович Тешабоев, Шохрух Ғайратжон угли Рубидинов

Вакуумное ионно-плазменное покрытие деталей и анализ изменения поверхностных слоев (pp. 286-292)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20046.%20286-292.pdf>

Dadajon Ro'ziboyevich Xabibullayev

O'zbekiston Respublikasi budjeti daromatlarining amaldagi holati tahlili (pp. 293-299)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20047.%20293-299.pdf>

Komiljon Niyazov

Alisher Navoiy tashabbusi (pp. 300-303)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20048.%20300-303.pdf>

Laylo Doniyorova

Alisher Navoiy – so'z san'atida shoh (pp. 304-306)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20049.%20304-306.pdf>

Абдурашид Султанович Алтнев

Механизмы регулирования системы использования земельных ресурсов (pp. 307-312)

<http://www.scientificprogress.uz/storage/app/media/3-2.%20050.%20307-312.pdf>